

Бир кафт тош



07:10 / 24.07.2019 1416

Саъид ибн Мусайябдан: «Ҳажжожга нима бўлдики, сизга одам жўнатмаяпти ёки сизни безовта қилмаяпти, ёки ҳаммага зулм қила туриб, сизга озор бермаяпти?» деб сўрашди. Саъид жавоб берди: «Сабабини билмайман, лекин бир воқеа бўлганди. Бир куни Ҳажжож отаси билан бирга намоз ўқиётган экан. Қарасам, рукуъ билан саждани тўлиқ қилмаяпти. Бир кафт майда тош олиб, унга отдим. Шундан бери Ҳажжож: «Ўшандан бери намозни бекаму кўст ўқияпман», деб менга айтиб юради».

«Солиҳлар гулшани» китобидан